

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

### ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!



Янги 2011 йилингиз  
муборак бўлсин!  
Мамлакатимизда  
Кичик бизнес ва  
хусусий тадбиркорлик  
йили деб эълон  
қилинган  
янги йилда  
ишларингизда  
омад,  
улкан ютуқлар  
тилаймиз!  
Таҳририят  
жамоаси.

### Конунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Конунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.


### ИМТИЁЗЛАР БИЛАН ХОДИМЛАР СОНИНИ ОШИРИНГ

2010 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-265-сон Конун билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуннинг 5-моддасига ўзгартиришлар киритилди. Уларга мувофиқ ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган микрофирмалар ва кичик корхоналар қуйидагилар билан меҳнат шартномаларини тузганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилмайдилар:

ўз уйида ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан – кўпи билан 30 фоиз;  
республика касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан – кўпи билан 20 фоиз. Бунда битирувчи таълим муассасасини тугаллаган кундан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлиши керак.

Ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони ошириб юборилган бошқа ҳолларда микрофирма ва кичик корхона ошириб юбориш йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади.

Конун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 14 декабрда чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.




### МОНОПОЛЧИЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР

2010 йил 14 декабрдаги ЎРҚ-266-сон Конун билан «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Конуннинг 4-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, табиий монополия субъектларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш эндиликда темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш соҳасида (олдин – темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш соҳасида) белгиланади.

Бугунги кунда табиий монополия субъектларининг қуйидаги соҳалардаги фаолияти ҳам давлат томонидан тартибга солинади: нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш; электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш; умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари; сув қувурлари ва канализация хизмати; аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматлари; транспорт терминаллари хизматлари.

Конун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 15 декабрда чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.




### Амалий бухгалтерия

## ҚОРБОБОНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ?



Янги йил байрамининг ажойиб анъаналаридан бири совға қилиш ва совға олишдир. Қорбобо ролини эса иш берувчи ҳам ўйнаши мумкин. Раҳбарият ўзининг ташаббуси билан ва корxonанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб байрамга тақдирлашларни амалга оширади. Агар у ана шундай тадбирларни ўтказишга қарор қилган бўлса, шундай савол туғилади: ходимларни қандай қилиб яхшироқ табриклаш мумкин? Бунинг вариантлари кўп. Булар Янги йилга бир марталик мукофотлар, ходимларнинг ўзларига ва уларнинг болаларига совғалар, корпоратив тадбирлар бўлиши мумкин. Бунинг устига корхона янги миқозларни жалб этиш ва борларини рағбатлантиришни хоҳласа, янги йил байрамлари реклама ва PR тадбирларини ўтказиш учун энг қулай давр ҳисобланади.



### ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 10 декабрдаги 280-аф-сонли буйруғига асосан «UMIRZOQ-AUDIT» хусусий аудиторлик ташкилотига 2008 йил 29 мартда берилган 00698-сонли лицензиянинг амал қилиши 2010 йилнинг 10 декабрдан тугатилди.

М.МИРЗАЕВ,  
молия вазирининг ўринбосари.

УШБУ  
СОҶДА

1-2-бетлар	1, 3-4-бетлар	13-бет	14-бет
Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ	Байрам тадбирлари бухгалтерияси	Касаначига нафақани ким тўлайди?	Кадр ҳужжатлари ва Классификатор
\$1 = 1640,00 сўм	€1 = 2165,13 сўм	£1 = 2554,46 сўм	¥10 = 197,83 сўм


# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## ЛИЦЕНЗИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ

**1-бетда**  
2010 йил 16 декабрдаги ўРҚ-267-сон Қонун билан «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 15 ва 18-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, лицензия энди қайта сугурта қилиш бўйича сугурталовчига ҳам берилади. Белгиланишича, фақат қайта сугурта қилиш бўйича сугурта фаолиятини амалга ошираётган сугурталовчи сугурта шартномаларини тузишга ҳақли эмас.

Шунингдек энди махсус ваколатли давлат органи сугурталовчиларни қайта ташкил этишга рухсатнома беришни бунинг натижасида уларнинг молиявий барқарорлигига (олдин – янгидан ташкил қилинадиган сугурталовчиларнинг молиявий барқарорлигига) доир талаблар бузилиши мумкин бўлса рад қилишга ҳақли. Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш сугурталовчига берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатилмайди, у фақат қайта расмийлаштирилади. Қайта ташкил этиш натижасида (қўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш) шаклида янгитдан тузилган сугурталовчиларга лицензиялар бериш умумий тартибда амалга оширилади (илгари соддалаштирилган тартибда ҳам амалга оширилган).

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 17 декабрда чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.



## САНОАТДАГИ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР

Президентнинг 2010 йил 15 декабрдаги ПК-1442-сон қарори билан 2011 – 2015 йилларда республика саноатини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгиланди. Чунон-

чи, у энг аввало структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг узок муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, ватанимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтиришга йўналтирилиши керак.


Ҳужжатда шунингдек саноатни ривожлантиришнинг қуйидаги вазифалари белгиланган: корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш; экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш; саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш; янги иш жойларини яратиш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш ва бошқалар.

Ҳужжат билан 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур қабул қилинган бўлиб, у саноатни ривожлантириш ва унинг таркибини диверсификация қилишнинг мақсадли кўрсаткичларини; молиялаштириш манбалари белгиланган ва келишилган, саноатда амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрлаб қўйилган; ишлаб чиқиш (хорижий шерикни танлаш, молиялаштириш шартлари ва манбаларини аниқлаш) босқичида бўлган саноатдаги янги; шунингдек дастлабки тарзда ишлаб чиқилаётган саноатдаги истиқболли инвестиция лойиҳаларни рўйхатини ўз ичига олади.

2016 йилнинг 1 январига қадар Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, материаллар ва бутловчи буюмлар божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилган.

## ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ЖАМҒАРМА

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил



10 декабрдаги «Бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» 291-сон қарори билан Бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси тўғрисидаги низом ва Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, Жамғарма маблағларидан қуйидаги йўл билан фойдаланилади: кейинчалик улардан таълим муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)да мақсадли фойдаланиш учун жамлаш; таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашни молиялаштириш; уларни энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси, ахборот-коммуникация технологияларининг ўқитишга қўмаклашувчи бошқа элементлари, шунингдек ўқув мебели ва анжомлари билан тизимли жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлашни молиялаштириш. Низом билан Жамғармани бошқариш, унинг даромадларини шакллантириш манбалари масалалари, харажатларни сарфлаш тартиби ва бошқа масалалар тартибга солинган.

## СУД ЭКСПЕРТИЗАСИГА ДОИР...

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 декабрдаги 299-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга биноан Кенгаш суд экспертизасини ривожлантиришнинг идораларо тусдаги энг муҳим масалаларини кўриб чиқиш, республика давлат суд-эксперт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, дастлабки тергов органларига ва судларга жинойатларни тергов қилиш, очиш ва уларнинг олдини олишда, жиноий, маъмурий, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини кўриб чиқишда суд экспертизаси имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланиш мақсадида ташкил этилган коллегиял орган ҳисобланади. Низом билан Кенгаш фаолиятини ташкил этиш, унинг мажлисига материалларни тайёрлаш тартиби, Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижро этиш масалалари тартибга солинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сон қарори билан Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Чунончи, давлат суд эксперти олий маълумотга, алоҳида ҳолларда ўрта махсус, касб-хунар маълумотиغا эга бўлган, аниқ суд-эксперт мутахассислиги бўйича ўз иш жойи бўйича бевосита эксперт муассасасида ёки олий таълим муассасасида мустақил мажбурий тайёргарликдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси аттестациядан ўтказилиши мумкин.

Аттестация учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: бўлинма раҳбарининг кўрсатиб ўтилган таклифни асослайдиган тақдимномаси; тавсифнома; устознинг фикри; тайёргарлик режаси ва ўрганиб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий адабиётлар ва ҳужжатлар рўйхати; аттестация қилинадиганнинг тайёргарлик жараёнида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи; тегишли мавзу бўйича камида битта реферат; ўтказилган суд экспертизаларида аттестация қилинадиган қатнашган суд экс-

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 11 декабрдан 17 декабргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 50-сони асосида тайёрланди.



пертизалари бўйича хулосалар нусхалари; у тайёргарликдан ўтган эксперт муассасаси бўлинмаси мажлиси протоколдан кўчирма.

Аттестацияга қўйиш рад этилиши учун қуйидагилар асос ҳисобланади: зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилиши ёки ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши; ҳужжатларда ишончсиз ёки бузилган маълумотлар мавжудлиги. Аттестация суҳбатлашиш йўли билан ўтказилади.

## ВИНОНИНГ ЭНГ КАМ НАРХИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 13 декабрда 2163-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан алкоғолли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилди.

Чунончи, 1 литр винонинг энг кам улгуржи-сотиш нархи 2 000 сўмни, энг кам чакана нархи эса 2 500 сўм, коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар учун тегишли равишда 4 300 ва 5 400 сўмни ташкил қилади.

2011 йил 1 январдан кучга киради.

## ЖИСМОНИЙ ШАХС ПРОВАЙДЕР БўЛА ОЛМАЙДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 13 декабрда 1393-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, жисмоний шахслар эндиликда телекоммуникациялар операторлари ва интернет-провайдерлар бўла олмайдилар. Интернетдан жамоат фойдаланиш жойларида маданиятимизга, аъналаримизга ва дунёқарашимизга мутлақо зид ва бегона бўлган материалларни тарқатиш тақиқланади. Интернет-провайдерлар Интернет тармоғидан ахборот олиш имкони бўлган жамоат жойларида вояга етмаганларнинг ота ёки онасининг ёхуд унинг ўрнини босувчи шахс ҳамроҳлигисиз тунги вақтда (22:00 дан 6:00 гача) бўлишга йўл қўймасликлари керак.

2010 йил 23 декабрдан кучга киради.

## ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ ШАКЛДА

Давлат статистика кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 16 декабрда 2164-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 2011 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқланди. Йиллик шакллар – 2010 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий шакллар эса – 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киради. 2010 йил 26 декабрдан кучга кирди.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	24.12.2010	1	0,7985	1	1,0484	1	0,0262
Арманистон	24.12.2010	1	360,84	1	473,67	1	11,81
Беларусь	25.12.2010	1	3006,00	1	3949,88	1	98,31
Грузия	24.12.2010	1	1,7616	1	2,3075	1	5,7583
Қозғоғистон	25.12.2010	1	147,14	1	193,34	1	4,81
Қирғизистон	25.12.2010	1	47,012	1	61,7949	1	1,5375
Латвия	27.12.2010	1	0,535	1	0,702804	1	0,0175
Литва	27.12.2010	1	2,6275	1	3,4528	10	8,5876
Молдова	24.12.2010	1	12,0935	1	15,8327	1	0,3941
Тожикистон	25.12.2010	1	4,4029	1	5,8352	10	1,4587
Ўзбекистон	21.12.2010	1	1638,52	1	2177,69	1	53,43
Украина	24.12.2010	100	796,35	100	1040,3516	10	2,6031
Эстония	24.12.2010	1	11,9385	1	15,6466	1	0,38967

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

### ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси

### АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

- Қорбобонинг харажатлари қандай ҳисобга олинади

### ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макротиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори.


### КАДРЛАР БўЛИМИ

- Касаначи сизга қарашли. Нафақани ҳам сиз тўлайсиз
- Меҳнат шартномасини дарҳол тузиш керак


### ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ШАРҲИ

- Лавозимлар таснифи тўғрисида
- топ

# ҚОРБОБОНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ?



Бироқ ушбу янги йил тадбирлари корхона учун фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) бўйича, ходимлар учун эса жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи (ЖШОДС) ва мажбурий суғурта бадаллари бўйича бухгалтерия ва солиқ оқибатларини юзага келтиради. Бунда ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналар учун юқорида кўрсатилган тадбирларни ўтказиш харажатлари ЯСТ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаслигини қайд этиб ўтишимиз лозим.



## ҲАММА МУКОФОТЛАНСИН

Янги йилга ходимларни тақдирлашнинг энг оддий усули – ҳаммага, шу жумладан пенсияга чиққан собиқ ходимларга ҳам бир

Тўлов муайян солиқ оқибатларига эга.

**ЖШОДС.** Корхона ходимларига бир марталик мукофотлар жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи солинадиган рағбатлантирувчи тўловларга қаради (Солиқ кодекси (СК)нинг 171, 173-моддалари).

Собиқ ходимлар, ҳозирги пенсионерларга мукофотлар солиқ солиш мақсадида юридик шахс томонидан ишламайдиган пенсионерларга тўловлар сифатида қаралади (СК 178-моддасининг 18-банди) ва жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари ҳисобланади. Уларга тўлов

**ЯИТ ВА МАЖБУРИЙ СУГУРТА БАДАЛЛАРИ.** ЯИТ ва суғурта бадаллари солиш объекти бўлиб, СКнинг 306-моддасига кўра, СКнинг 172, 173, 174 ва 175-моддаларида кўрсатилган меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлар ҳисобланади. Корхона ходимларига мукофотлар рағбатлантирувчи тўловлар сифатида меҳнат ҳақи тарзида даромадлар таркибига киритилади (СКнинг 173-

**ФОЙДА СОЛИҒИ.** Янги йилга тўланган мукофотлар СК 147-моддасининг 21 ва

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.** Ҳисобда мукофотлаш харажатлари 9430-«Бошқа операция харажатлар» ҳисобварағида 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоб-

**МИСОЛ.** Раҳбарнинг буйруғига асосан корхона ишлаб чиқариш бўлимининг барча ходимларига Янги йилга 250 минг сўмдан мукофот тўланади. Соддалаштириш мақсадида ҳисоб-китоблар ва бухгалтерия ёзувлари бир ходим мисолида кўрсатилган. Штат жадвалига кўра ходимнинг лавозим маоши 220 минг сўмни ташкил қилади.

N	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Байрамга мукофот ҳисоблаб ёзилди	250	9430	6710
2	Ишлаб чиқариш бўлимининг ходимига иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди	220	2010	6710
3	Иш ҳақи ва мукофот суммасидан жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи ушланди (шартли 22%лик ставка бўйича)	103,4	6710	6410
4	Солиқ суммаси ШЖБПҲга ажратмаларга камайтирилди (470 000 x 1%)	4,7	6410	6530
5	Мажбурий суғурта бадаллари ушланди (470 000 x 4%)	18,8	6710	6520
6	Мукофотни ҳисобга олган ҳолда ходимнинг меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларидан ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб ёзилди	117,5	2010	6520
7	Ходимга кассадан иш ҳақи ва мукофот берилди	347,8	6710	5010

## СОВҒА БЕРИШНИ ҲАМ УНУТМАНГ

Янги йил арафасида корхона ходимларни совғалар билан ҳам тақдирлаши мумкин. Бунда улар қиймати бўйича фарқланиши мумкин. Уларга доир харажатлар аввало корхонанинг молиявий имкониятларидан, шунингдек ходимларнинг, шу жумладан пенсияга чиққанларнинг сонидан, ҳар бир ходимнинг корхона мо-

Совғалар бўйича солиқ оқибатлари қуйидагича бўлади.

**ЖШОДС.** Олинган совғалар қиймати ходимлар учун моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади (СКнинг 177-моддаси), у жами даромадга киритилади. Лекин бунда имтиёз қўлланади (СК 179-моддасининг 14-бандида тақдим этилган) – бир йил мобайнида энг кам иш ҳақининг 6 бараваригача миқдорда бўлган совғанинг қийматига (2010 йилда – 298 410 сўм) ЖШОДС солинмайди. Ошиб кетган сумма солиқ солинадиган даромадга киритилади. Муайян ходим даромадларидан имтиёзни ҳисобга олган ҳолда солиқ ҳисобланганида унга йил мобайнида берилган барча совғалар ҳисобга олинади. Ишламайдиган пенсионерларга совға берганда, жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солиш бўйича қуйидаги қоидалар ҳисобга олиниши керак:

марталик мукофотларни тўлаш. Улар корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши) асосида тўланади (намунага қаралсин).

манбаида жадвалга қараб ёки солиқнинг энг юқори ставкаси бўйича (тегишли ариза бўлса) ЖШОДС солинади. Бунда бухгалтерия ДСИга йил тугаганидан кейин 30 кун мобайнида тўланган даромадлар (мукофотлар) ва улардан ушланган солиқлар (ишламайдиган ҳар бир пенсионер бўйича) тўғрисида маълумотномалар топшириши керак. Ушбу маълумотнома 1 апрелга қадар ушбу даромадларни декларациялаши керак бўлган пенсионерларга ҳам, агар тўлов манбаида уларга энг юқори ставкада ЖШОДС солинмаган бўлса, бериледи.

моддаси). Бинобарин, ходимларга тўланадиган бир марталик мукофотларга ЯИТ ва мажбурий суғурта бадаллари солинади.

Ишламайдиган пенсионерларга тўланадиган мукофотлар солиқ солиш мақсадида бошқа даромадлар сифатида қаралади (СКнинг 178-моддаси). Шу сабабли уларга ЯИТ ва мажбурий суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзилмайди.

27-бандларига асосан солиқ солинадиган фойда ҳисоб-китоби чоғида чегирилмайди.

лашишлар», 6990-«Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади. Мукофотни тўлаш алоҳида қайднома бўйича амалга оширилади.

лиа-хўжалик фаолияти натижаларига қўшган ҳиссаси ва бошқа омиллардан келиб чиқиб режалаштирилади. Совғалар билан мукофотлаш ҳам корхона раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади (намунага қаралсин).

лиа-хўжалик фаолияти натижаларига қўшган ҳиссаси ва бошқа омиллардан келиб чиқиб режалаштирилади. Совғалар билан мукофотлаш ҳам корхона раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади (намунага қаралсин).

улар учун совғалар қиймати моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади (СКнинг 177-моддаси);

ЖШОДС жадвал ёки солиқнинг энг юқори ставкаси (совға олувчининг аризасига кўра) бўйича ушланади;

СК 184-моддасининг учинчи қисмига асосан ЖШОДС ушланмаслиги мумкин.

Агар корхона солиқни совғанинг қийматидан жадвал бўйича ушласа, у СК 179-моддасининг 14-банди бўйича имтиёзни ҳам ҳисобга олиши керак. Тегишинча, солиқ суммаси мазкур ҳолда совғанинг қийматига боғлиқ бўлади: агар у 298 410 сўмдан ошмаса, ЖШОДС бўйича оқибатлар юзага келмайди. Агар совғанинг қиймати кўрсатилган суммадан катта бўлса, солиқ солинадиган даромад юзага келади. Совға

берилиши олувчи учун солиқ юкини юзага келтирмаслиги учун амалиётда корхоналар пенсионерга ЖШОДС тўлаш учун етарли суммада озроқ қўшимча ҳақ ҳисоблаб ёзилади. Акс ҳолда совға олувчи ҳисоблаб ёзилган солиқ суммасини корхона кассасига ёки унинг ҳисоб-китоб рақамига киритиши керак бўлади.

Агар солиқ энг юқори ставкада ушланса, имтиёз қўлланмайди – совғанинг тўлиқ миқдордаги қийматига 22%лик ставкада солиқ солинади.

Агар жисмоний шахс моддий наф тарзидаги даромад суммасидан жисмоний шахслардан оли-

**ЯИТ ВА МАЖБУРИЙ СУГУРТА БАДАЛЛАРИ.** Корхона ходимларига ҳамда ишламайдиган пенсионерларга берилган совғалар қийматига ягона ижтимоий тўлов ва суғурта

**ФОЙДА СОЛИҒИ.** Совғалар сотиб олиш ва уларни бериш харажатлари фойда со-

Етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактурасида харид қилинган совғаларга ажратилган ҚҚС ҳисобга киритилмайди (СК 219-моддасининг 6-банди), балки уларнинг харид қийматига киритилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, СКнинг 199-моддасига кўра (биринчи қисмининг 1-банди), совғаларни текинга бериш ҚҚС соли-

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.** Ходимлар учун харид қилинган совғалар 1090-«Бошқа материаллар» ҳисобварағига кирим қилинади. Уларнинг берилиши 9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи орқали акс эт-

**МИСОЛ.** Умумбелгиланган солиқлар тўловчиси бўлган корхона Янги йилга ўз ходимлари учун 60 та совға тўпламини харид қилди. Бутун туркумининг қиймати 5 400 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС 900 минг сўмни ташкил қилди. Битта тўплам 90 минг сўм туради (ҚҚСни ҳисобга олганда).

Совға тўпламлари ҳисобга ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда харид қиймати (5 400 минг сўм) бўйича 1090-«Бошқа материаллар» ҳисобварағига қабул қилинади. Битта совғанинг қиймати (90 минг сўм) ҳар бир ходимнинг даромадига 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» ҳисобварағи кредити бўйича киритилади. Совғаларга харажатларнинг умумий суммаси (5 400 минг сўм) 9430-«Бошқа операция харажатлар» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Бухгалтерия ҳисобида совғаларни харид қилиш ва бериш операциялари қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

N	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ходимлар учун совғалар харид қилинди	5 400	1090	6010
2	Совғалар қиймати ҳисобдан чиқарилди	5 400	9220	1090
3	Совғалар берилиши акс эттирилди	5 400	6710	9220
4	Совғаларга доир харажатлар ҳисобдан чиқарилди (ҳар бир ходимнинг моддий наф тарзидаги даромади – 90 000 сўм)	5 400	9430	6710

Совғалар бериш қайдномасини қуйидагича расмийлаштириш мумкин:

Табель рақами	Олувчининг Ф.И.Ш.*	Совғанинг қиймати	Ақиз солиғи	ҚҚС	ҚҚС ва ақиз солиғини ҳисобга олганда қиймат	Олинганлик тўғрисида имзо
1	Комилов К.Д.	90 000	Ақиз солиғисиз	Қўшилган қиймат солиғисиз	90 000	✓
...	...	...	...	...	...	...
12	Умарова Л.А.	90 000	Ақиз солиғисиз	Қўшилган қиймат солиғисиз	90 000	✓
...	...	...	...	...	...	...
<b>Жами</b>		<b>5 400 000</b>	<b>Ақиз солиғисиз</b>	<b>Қўшилган қиймат солиғисиз</b>	<b>5 400 000</b>	

\* Корхона ходимлари ҳисобланмаган шахслардан корхона бухгалтериясига паспорт ва СТИР ксеронусхаларини тақдим этишни сўраш лозим.

## АРЧА АТРОФИДАГИ ХУРСАНДЧИЛИКЛАР



Янги йил аъналарни сирасига корхона ходимларининг болалари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун арча атрофида янги йил байрамларини ташкил этиш ҳам қиради. Уларни ўтказиш вариантлари бир неча бўлиши мумкин. Биринчидан, корхона байрам ўтказиши, шу жумладан хонани ижарага олиш ва безатиш, ўйин ва танловлар, болаларга совғалар бериш назарда тутилган кўнгилочар дастурни чет ташкилотга ишониб топшириши мумкин. Корхонанинг ўзи ҳам янги йил арча байрамни ўтказиши ва барча зарур харажатларни тўлаши мумкин.

Харажатларни, шу жумладан болалар совға тўпламларини харид қилишга доир харажатларни корхонанинг корпоратив карточкалари билан тўлаш

Болалар учун байрам уюштиришнинг солиқ оқибатлари қуйидагича бўлади.

**ФОЙДА СОЛИҒИ.** Янги йил арчаси харажатлари ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмаган дам олишни ташкил этиш тадбир-

надиган даромад солиғини ушламаслик тўғрисида ёзма ариза ёзма, корхона солиқни ҳисоблаб ёзмайди ва ушламайди. Бу ҳолда корхона солиқ агенти сифатида тўлов манбаида солиқни ушламаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади. ЖШОДСни олувчининг ўзи яшаш жойидаги ДСИга жами йиллик даромадни декларациялаши пайтида тўлайди.

Корхона асосий иш жойи ҳисобланмаган шахслар бўйича ДСИга ҳисоблаб ёзилган ва ҳақиқатда тўланган даромадлар суммалари ҳамда ЖШОДСнинг ушланган суммалари тўғрисида маълумотнома тақдим этилиши керак.

бадаллари солинмайди, чунки улар меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлар ҳисобланмайди (СКнинг 306-моддаси).

лиғи ҳисоб-китобида, СК 147-моддасининг 9-бандига асосан, чегирилмайди.

надиган оборот ҳисобланади. Солиқ солинадиган база ушбу ҳолда реализация қилиш (чиқиб кетиш) қиймати билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади (СК 204-моддасининг 13-қисми). Совғалар бериш текинга – баланс қиймати бўйича амалга ошириладиганлиги боис, ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база ва, тегишинча, ҚҚС суммаси нолга тенг бўлади.

тирилади. Совға олинганлигини олувчилар махсус қайдномада имзо қўйиб тасдиқлайдилар. Ҳисобварақ-фактуранинг ўрнини босадиган ҳужжат сифатида унга ҳисобварақ-фактура рекевизитлари киритилиши тавсия қилинади.

тирилади. Совға олинганлигини олувчилар махсус қайдномада имзо қўйиб тасдиқлайдилар. Ҳисобварақ-фактуранинг ўрнини босадиган ҳужжат сифатида унга ҳисобварақ-фактура рекевизитлари киритилиши тавсия қилинади.

тирилади. Совға олинганлигини олувчилар махсус қайдномада имзо қўйиб тасдиқлайдилар. Ҳисобварақ-фактуранинг ўрнини босадиган ҳужжат сифатида унга ҳисобварақ-фактура рекевизитлари киритилиши тавсия қилинади.

лари харажатларига қиради. Улар солиқ солинадиган фойдани аниқлаётганда чегирилмайди (СК 147-моддасининг 16-банди).

# ҚОРБОБОНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ?

**3-бетда** **ҚҚС.** Чет ташкилотга байрамни тўла ўтказиш (совғалар ҳам унга қиради) хизматлари ҳақи тўланганда, ҳисобварақ-фактурада ажратилган ҚҚС ҳисобга киритилади (*СКнинг 218-моддаси*).

Агар янги йил арча байрамини чет ташкилот ўтказса, болаларга совғаларни корхонанинг ўзи

**ЖШОДС.** Корхонанинг ходимлар болалари учун янги йил арча байрамини ўтказиш харажатларини муайян жисмоний шахснинг даромади ҳисобланмаган байрам тантаналари-

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.** Чет ташкилот томонидан тўланган янги йил арча байрамини ўтказиш харажатлари 9430-«Бошқа операци-

**МИСОЛ.** Корхона ўз ходимларининг болалари учун янги йил арча байрамини ташкил қилди. Уларга совғаларни корхонанинг ўзи харид қилди, байрамни ўтказиш эса чет ташкилот зиммасига юкланди.

Корхона харажатлари: совғаларни харид қилишга – 1 830 минг сўм, шу жумладан ҚҚС – 305 минг сўм; янги йил арча байрамини ташкил этиш бўйича хизматлар ҳақини тўлашга – 600 минг сўм (ҚҚС – 100 минг сўм)ни ташкил қилди.

Бухгалтерия ҳисобида янги йил арчасини ўтказиш харажатлари қуйидагича акс эттирилади:

N	Ҳужжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Ходимларнинг болалари учун совға тўпламлари харид қилинди	1 830	1090	6010
2	Совғалар қиймати ҳисобдан чиқарилди	1 830	6010	5110
3	Янги йил арча байрамини ташкил этиш учун бўнак акс эттирилди (100%)	600	9430	1090
4	Бўнак ҳисобга киритилди	600	4310	5110
5	ҚҚС ҳисобга киритилди	100	6990	4310
6	Янги йил арча байрами харажатлари ҳисобдан чиқарилди	500	4410	6010
			6410	4410
			9430	6010

## Ходимларни мукофотлаш тўғрисида БУЙРУК

Корхона ходимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ва Янги йилни нишонлаш муносабати билан

### БУЙРАМАН:

1. Корхонанинг барча ходимларига, шунингдек ишламайдиган пенсионерларга Янги йилга 250 000 сўм миқдоридан бир марталик мукофот тўлансин.

2. Бухгалтерия зарур ҳисоб-китобларни амалга оширсин ва мукофот 27 декабрда тўланиши таъминласин.

3. Корхона ходимларининг болалари ва В.Хлебушкина номли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун Янги йил муносабати билан байрам тадбири ўтказилиши таъминлансин.

4. Янги йил байрамини ўтказишга 5 млн сўм ажратилсин.

5. Байрам тадбирининг дастури ва ажратилган суммалар доирасида харажатлар сметаси ишлаб чиқилсин.

6. Байрам тадбирини ташкил этиш ва сарфланган маблағлар тўғрисида ҳисобот тайёрлаш учун масъул этиб кадрлар бўлими бошлиғи Н.К.Юсупов тайинлансин.

7. Касаба уюшмаси қўмитасининг раиси М.А.Латипова билан биргаликда ходимлар, шу жумладан пенсияга чиққанлар ва совғаларнинг рўйхати тасдиқлаш учун тайёрлансин.

8. Корхона бухгалтерияси байрам тадбирини ўтказиш бўйича зарур ҳисоб-китоблар ҳамда бухгалтерия ва солиқ қонун ҳужжатларининг меъёрларига мувофиқ харажатларни ҳисобдан чиқаришни амалга оширсин (И.А.Ермакова).

## КУН ТАРТИБИДА – КОРПОРАТИВ БАЗМ

Кўп корхоналар Янги йил арафасида (базилари эса йил кутиб олингандан кейин) ўз ходимлари учун корпоратив базмлар уюштирадilar. Бунда раҳбарлар байрам тадбирларини амалий тадбирлар билан қўшиб олиб боришга ҳаракат қиладилар: базмга ҳамкор ташкилотлар, VIP-мижозлар, ҳудудий бўлинмалар, шуъба компаниялар,

корхонанинг олий бошқарув органлари, ОАВ вакиллари таклиф қилинади, йил якунлари чиқарилади, истиқболлар тилга олинади. Ушбу шахсларнинг иштироки, шунингдек базмнинг тегишли дастури ва тўғри расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар солиқ тўловчига корпоратив тадбирни ўтказиш харажатларини вакиллик харажатлари деб эътироф этиш учун асос беради.

Корпоратив тадбирлар бўйича солиқ оқибатлари қуйидагича бўлади.

**ҲОИДА СОЛИҒИ.** СК 145-моддасининг 11-бандида кўра ҚҚС ва акциз солигини киритган ҳолда маҳсулотни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш тушуми ҳажмининг

**ҚҚС.** Агар корпоратив базм ташкилотчиси бўлган корхона ҚҚС тўловчиси бўлса, у томонидан

**ЖШОДС.** Корхонанинг корпоратив базмни ўтказиш харажатлари жисмоний шахслар – ходимларнинг даромадлари ҳисобланмайди (*СК*

**ЯИТ ВА МАЖБУРИЙ СУГУРТА БАДАЛЛАРИ.** Корхонанинг жисмоний шахслар даромад-

1%и доирасида вакиллик харажатлари фойда солигини ҳисоб-китоб қилишда чегирилади. Меъёрдан ортиқча харажатлар солиқ солинадиган фойда аниқланаётганида чегирилмайди (*СК 147-моддасининг 3-банди*).

ҳисобварақ-фактурада ажратилган ҚҚС суммаси ҳисобга қабул қилинади (*СКнинг 218-моддаси*).

171-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди), яъни солиқ солиш объекти мавжуд эмас. Шу сабабли ЖШОДС бўйича солиқ оқибатлари юзага келмайди.

лари ҳисобланмаган харажатларига ЯИТ ва мажбурий сугурта бадаллари ҳисоблаб ёзилмайди.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.** Меъёрлар доирасидаги вакиллик харажатлари 9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағида акс эттирилади. Солиқ солинадиган фойдани аниқлаш чоғида чегирилмайдиган вакиллик харажатлари бўйича меъёрдан ортиқча харажатлар алоҳида 9431-«Чегирилмайдиган харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олиниши мумкин (агар бу солиқ тўловчининг ҳисоб сиеъатиди назарда тутилган бўлса).

Корпоратив тадбирга доир барча харажатлар бошланғич ҳужжатлар билан тасдиқланиши,

**МИСОЛ.** Корхона Янги йил муносабати билан ўз ходимлари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари учун корпоратив базм ташкил этди. Уни ташкил этиш харажатлари (ресторан мажмуи хизматларига ҳақ тўлаш) 1 200 минг сўмни (ҚҚСсиз) ташкил қилди. Корхона реализациясининг йиллик ҳажми 37 500 минг сўмга тенг.

Мазкур вазиятда вакиллик харажатларининг нормативи 375 минг сўмни (37 500 000 x 1%) ташкил қилди. Меъёрдан ортиқча харажатлари 825 минг сўм (1 200 – 375) солиқ солинадиган фойдани аниқлаш чоғида чегирилмайди.

Бухгалтерия ҳисобида базм ўтказиш харажатлари қуйидагича акс эттирилади:

N	Ҳужжалик операциясининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Базмни ўтказиш бўйича ресторан хизматларига ҳақ тўлаш акс эттирилди	1 200	6990	5110
2	Вакиллик харажатлари ҳисобдан чиқарилди:			
	норматив доирасида	375	9420	6990
	нормативдан ортиқча	825	9431	6990

## БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЯНГИ ЙИЛДА МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Доимий мижозларни рағбатлантириш ва янгиларини жалб этиш мақсадида корхоналар хилма-хил шаклларда турли янги йил реклама ва PR тадбирларини ўтказадилар: ОАВда табрикларни жойлаштирадilar, турли эсдалик совғалар, тақвимлар, рисоалар, корхона логотипи туширилган рўқчалар ва бошқаларни тарқатадилар, ўз товарлари намоишини ташкил қиладилар ва ҳоказо.

Реклама харажатлари ҳам, корхонанинг исталган бошқа харажатлари сингари, бошланғич ҳужжатлар билан, масалан, ОАВ ҳисобварақ-фактураси, реклама тадбирини ўтказиш учун масъул шахсларнинг ҳисоботи ва компаниянинг эсдалик совғаларини (рисоалар, тақвимлар, плакатлар, флаерлар, рўқчалар ва бошқалар) тарқатиш чоғида унинг харажатларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси билан тасдиқланиши керак.

Далолатнома қуйидагича расмийлаштирилиши мумкин:

### Тасдиқлайман

«Аудит» МЧЖ директори  
Климов В.А.

Эсдалик совғалар, тақвимлар ва корхона логотипи туширилган рўқчаларни ҳисобдан чиқаришга  
**102-СОН ДАЛОЛАТНОМА**

Тошкент ш. 2010 йил 30 декабрь

Биз, қуйида имзо чекувчилар:

Реализация бўлимининг бошлиғи Қосимов П.Р.

Жамоатчилик билан ишлаш бўлимининг менежери Аюпов С.М.  
бухгалтер Ермакова И.Л.

янги йил реклама кампанияси давомида сарфланган эсдалик совғалари, тақвимлар ва корхонанинг логотипи туширилган рўқчаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида мазкур далолатномани туздик.

2010 йил 27 декабрдаги 78-сон режа-топшириққа мувофиқ эсдалик совғалар, тақвимлар ва корхонанинг логотипи туширилган рўқчалар Экспомаказда 2010 йилнинг 28–29 декабрида ўтказилган «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кўргазмаси меҳмонларига топширилди.

Жами 470 000 сўмлик эсдалик совғалар, тақвимлар ва корхона логотипи туширилган рўқчалар сарфланган. Номенклатура бўйича харажат:

NN т/р	Бойликларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (дона)	Нархи (сўм) (ҚҚСсиз)	Сумма (сўм) (ҚҚСсиз)
1	2011 йил учун стол тақвими	дона	600	380	228 000
2	Логотип туширилган рўқча	дона	520	110	57 200
3	Эсдалик совғалар	дона	330	560	184 800
<b>Жами:</b>					<b>470 000</b>

Реализация бўлими бошлиғи Қосимов П.Р.

Жамоатчилик билан ишлаш бўлими менежери Аюпов С.М.

Бухгалтер Ермакова И.Л.

**ҲОИДА СОЛИҒИ.** Корхонанинг реклама тадбирларини ўтказиш харажатлари солиқ

Эсдалик совғалар, тақвимлар, рўқчалар ва ҳоказоларни етказиб берувчи, шунингдек реклама тадбирини ўтказиш хизматлари-

солинадиган фойдани аниқлаш чоғида чегирилади (*СК 145-моддасининг 10-банди*).

ни кўрсатадиган ташкилотларнинг ҳисобварақ-фактурасида ажратилган ҚҚС СКнинг 218-моддасига асосан ҳисобга қабул қилинади.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР, ЯНГИ ҲИСОБОТ ЙИЛИДА ИШИНГИЗГА РИВОЖ ТИЛАЙМИЗ!

Янги 2011 йилни кутиб олиш бўйича харажатлар ҳисобини юритиш тўғрисида маслаҳатларни «Norma Ekspert» мутахассислари тайёрладilar.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (Кўчирма).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2011 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

(Кўчирма)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига  
7-ИЛОВА

#### ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИФИ СТАВКАЛАРИ

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Юридик шахслар (2-3-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	9
2.	Тижорат банклари	15
3.	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
4.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши куйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотлари бундан мустасно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
5.	1-бандда кўрсатилган хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига  
8-ИЛОВА

#### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИФИ СТАВКАЛАРИ

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда	даромад суммасининг 10 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган сумманинг 16 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган сумманинг 22 фоизи

#### Изоҳлар.

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи яқун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақининг суммаси).

2. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

\*Иловалар таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.

**МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН  
(САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДАН  
ТАШҚАРИ) ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ  
СТАВКАЛАРИ**

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-7-бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари	6*
2.	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5
3.	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари)	6
4.	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
5.	Тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33**
6.	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
7.	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган корхоналар (ижарага беришдан олинган даромадлар 60%дан кўпни ташкил этади)	30
8.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё товарлари бундан мустасно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
9.	Хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

\*) Мол-мулкни молиявий ижара (лизинг)га берадиган корхоналар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

\*\*\*) Ҳақ суммасига (ялпи даромадга) нисбатан фоизларда.

**САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ,  
ШУ ЖУМЛАДАН МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН  
ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ  
СТАВКАЛАРИ**

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Умумий овқатланиш корхоналари	10
	улардан: умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	8
2.	Чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари), қуйидаги жойларда жойлашган:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
3.	Улгуржи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	5
4.	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари, қуйидаги жойларда жойлашган:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
5.	1, 2 ва 4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун (улгуржи дорихона ташкилотларидан ташқари), пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда сотилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

**Изоҳ.**

Агар чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли аҳоли пунктларида жойлашган, улар бўйича ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган бир нечта савдо шохобчаларига эга бўлса, улар ҳар бир савдо

шоҳобчаси бўйича товар айланмасининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига  
9-3-ИЛОВА

**АЙРИМ ТОИФАДАГИ КОРХОНАЛАР УЧУН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ  
СТАВКАСИ**

Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
